

**Жаҳон банки иштирокидаги Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича**  
**МАЪЛУМОТ**

Худудларда иссиқлик тизимини яхшилаш мақсадида Жаҳон банки иштирокида “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

**1. Лойиҳанинг номи ва асоси:**

“Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси

Кредит битими: 2018 йил 17 майда имзоланган 6173 – UZB-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 306-сон қарори.

**Лойиҳанинг умумий қиймати 220,7 млн доллари, шу жумладан ХТА кредити 140 млн долларини** ташкил этади.

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топишига асосан лойиҳа доирасида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида лойиҳа параметрларини оптималлаштириш ишлари олиб борилмоқда.*

*Хусусан, бугунги кунда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳри учун ажратилган кредит маблағларини қўп қаватли уйларнинг ички иситиш тизимини тиклашга, шунингдек, Чирчиқ, Бухоро, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида лойиҳани тўлиқ амалга оширишга йўналтириш бўйича кредит битимига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали қўшимча келишув битимини имзолаш чоралари кўрилмоқда.*

**2. Лойиҳанинг бугунги кундаги ҳолати ва ўзлаштириш:**

**17 та 80,4 млн. долларлик** пакетлар бўйича тендер жараёнлари ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. **6 та 44,6 млн. долларлик** пакетлар бўйича ҳужжатлар тендер ўтказишга тайёрланмоқда.

Худудлар кесимида амалга оширилган ишлар:

**Чирчиқ шаҳрида 75 МВт** қозонхона модернизация қилинди, **3 та 25 МВт**ли янги замонавий қозонлар ўрнатилди, **27,9 км** иссиқлик тармоқлари етказиб келинди ва **2,6 км** алмаштирилди, **176 та** ИИП етказиб келинди ва **44 таси** ўрнатилди.

**Бухоро шаҳрида 2 та 20 МВт**ли замонавий қозонлар етказиб келинди, **242 та** ИИП лар етазиб келинди ва **52 таси** ўрнатилди. **11,1 км** иссиқлик тармоқлари етказиб келинди ва **3,6 км** алмаштирилди.

Андижон шаҳрида 1 та 50 МВт ва 2 та 30 МВтли янги қозонлар етказиб келинди, 373 та ИИП лар етказиб келинди ва 336 таси ўрнатилди. 12 км иссиқлик тармоқлари етказиб келинди ва 8,4 км алмаштирилди.

Самарқанд шаҳрида 40 МВтли 1 та ва 30 МВтли 2 та янги қозонларни, 460 та ИИПларни етказиб келиш ўрнатиш бўйича пудратчилар томонидан 6 км иссиқлик тармоқлари етказиб ва 80 та ИТП етказиб келинди, шундан 36 та ИИП. Шу билан бирга 33,6 км иссиқлик тармоқларини алмаштириш бўйича қайта тендар савдолари ўтказилмоқда.

2023 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига лойиҳа доирасида 42,54 млн. доллар (режага нисбатан 103,5%) миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди.